

УДК 74.202.4

КОН САНОАТИ ИШЧИ ХОДИМЛАРИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ҚАРОР ТОПИРИШНИНГ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Н.А.Эшонкулова - катта ўқитувчи

Навоий давлат кончилик институти

Таянч сўзлар: кон саноати, соғлом турмуш тарзи, модернизация, дифференциал хусусият, илмий-техник, геологик-қидирув ишлари, геология-минералогия, табиий ер ости ва ер усти бойликлари, комплекс ёндашиш, фалсафий таҳлил, инфраструктура, экстремал шароит, меҳнат хавфсизлиги, ижтимоий вазифа, девиант ҳодиса, инсон омили.

Ключевые слова: горная промышленность, здоровый образ жизни, модернизация, дифференциальная особенность, научно-технический, геолого-разведочная работа, геология-минералогия, природные подземные и наземные богатства, комплексный подход, философский анализ, инфраструктура, экспериментальное условие, безопасность труда, социальная задача, девиантное явление, человеческий фактор.

Key words: mining industry, healthy way of life, modernisation, differential feature, scientific-technical, geology-reconnaissance work, geology-mineralogy, natural underground and surface resources, complex approach, philosophical analysis, infrastructure, experimental condition, safety of labour, social task, deviant phenomenon, human factor.

Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бунда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан вазифалар мустаҳкам замин яратмоқда.

Тарихимизга кириб келаётган буюк марралар муносабати билан ўтган давр мобайнида ҳаётимиз сифати, мамлакатимиз қиёфаси қандай ўзгариб бораётгани, қандай ютуқ ва натижаларга эришганимиз, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қандай суръатлар билан ривожланиб бораётганимизни баҳолаш эҳтиёжи туғилмоқда.

Қисқача айтганда, биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга бугунги кун нуктаи назаридан ҳолисона баҳо беришимиз табиийдир.

Ўзбекистон Республикаси табиий ер ости ва ер усти бойликларидан унумли рационал фойдаланишни йўлга қўйгани туфайли жадал ривожланаётган давлатлардан биридир. Бугун республикаимиздаги мавжуд 1000 дан зиёд конларда олтин, мис, уран, кумуш, молибден, вольфрам, платин каби 30 хил металл қазиб олинади. Уларда 4 миллиондан ошиқ мутахассис, хизматчи, кончилар ишлайди. Мазкур кон ишчи-хизматчиларининг соғлом ва обод турмушини таъминлаш давлатимиз эътиборида турибди.

Инсон ҳаёти, соғлиги - энг катта ижтимоий бойликдир. Миллат соғлиги ҳам табиий равишда, соғлом турмуш тарзи орқали ҳал этилади. Бу ўз ўрнида барча соҳада бўлгани сингари, Ватанимиз иқтисодий тараққиётида салмоқли ўрин тутган кон саноати соҳасида ҳам, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тарғиб қилиш, бу борадаги муаммоларни ўрганиш, масаласини

қўндаланг қўяди. Шу боис республикаимиз биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2010-йил 27-августдаги 1396-сонли «Геологик-қидирув ишларини ўтказиш ва ташкил этиш тизимининг самарасини янада ошириш чора-тадбирлари ҳақида» ги қарори кончилик ишларини тубдан яхшилашга асос бўлди. Унда геологик-қидирув ва кончилик Республикаимиз иқтисодини ривожлантиришда асосий соҳа бўлиб қолаётгани, кенг инфраструктурага эга мазкур соҳада ишлаётган ходимларда соғлом ва обод турмуш тарзини шакллантириш долзарб вазифа эканлиги қайд этилади. Айниқса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011-йил 5 - сентябрдаги 4-сонли «Давлат корхонасининг уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» ги қарори кон саноати ходимлари фаолиятини замонавий тарзда ташкил этишга, уларнинг ўта оғир, экстремал шароитда ишлашини ҳисобга олиб, тиббий хизмат кўрсатишни тубдан ўзгартиришга ундади. Шунингдек кейинги 5 йил ичида ҳукуматимиз томонидан бевосита кон саноатини самарали бошқариш, ундаги ходимлар турмушини янада юксалтиришга қаратилган 20 дан зиёд қарорлар, расмий ҳужжатлар қабул қилинган.

Биз ўз олдимизга қўйган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек эзгу ишларимиз, Ўзбекистоннинг келажаги буюклигини таъминлаш, иқтисодий-демократик жамият қуриш, жамият маънавиятини янгилаш, давлат ва ижтимоий қурилиш соҳаларида юқори натижаларга эришишда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, бутун миллатнинг соғлигини асраш муҳим масала ҳисобланади.

Инсон саломатлиги бу - энг аввало, унинг руҳий ва физиологик сифатларини ривожлантириш, умрнинг максимал давомийлигида мақбул даражадаги ишчанлик қобиляти ва ижтимоий фаоллигини сақлаб қолишдан иборатдир. Кўпгина олимларнинг фикрича, инсон организмнинг функционал имкониятлари ва унинг ташқи муҳитдан бўладиган нохуш омилларга барқарорлиги бутун умри давомида ўзгариб туради, негаки, саломатлигини сақлаш, жўшқин жараён бўлиб, у ёш, жинс, касбий фаолият, яшаш муҳитига

боғлиқ ҳолда яхшиланиб (саломатлик бўшашиб ёки мустаҳкамлашиб) боради.

Саломатлик - инсон организмнинг биологик, рухий, жисмоний ҳолатлари ва меҳнат фаолиятининг мувозанатлашган бирлигидир. Сихат-саломатлик ҳар бир киши учун бахт-саодатдир. Унинг меҳнат унумдорлиги, мамлакатнинг иқтисодий кудратини, халқ фаровонлигини ривожлантиришнинг зарур шартидир. Умумхалқ мулки бўлмиш сихат-саломатликка нисбатан онгли ва масъулият билан ёндашиш жамият ва унинг барча аъзоларининг турмуш, ахлоқ нормаси бўлмоғи лозим.

Саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун, аввало, одам ўз танасининг тузилиши барча тўқима ва аъзоларининг нормал иш фаолияти, ўсиши, ривожланиши ва кўпайиши қонуниятларини билиши зарур. Шунингдек, барча тирик мавжудодлар каби, инсонга ҳам хос бўлган ушбу биологик хусусиятларни асраш ва тобора такомиллаштириш учун зарур бўлган шарт-шароитни мукамал билиш ва яратиш талаб этилади.

Бу борада кон саноати соҳаси ходимларининг ҳаёти ва касбий фаолияти билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларга эътибор қартилишини талаб этади:

- Биринчидан, кон саноати хизматчилари ўта оғир, экстремал шароитда ишлайди. Улар алоҳида ижтимоий муҳофазага муҳтождир.

- Иккинчидан, кон саноати ходимларида ўпка, жигар, ошқозон ва асаб касалликлари бошқа аҳоли ходимларига нисбатан 3-4 маротаба юқори. Айнан шунинг учун ҳам уларга тиббий ёрдамлар кўрсатиш орқали соғлом турмуш тарзини шакллантириш долзарб ижтимоий вазифадир.

- Учинчидан, махсус тадқиқотлар кўрсаткичи, кон саноати ходимлари, айниқса ер ости ва ер усти ходимлари табиий бойликларини қазиб олиш билан банд ишчиларда алкоғолизмга мойиллик кенг тарқалган. Алкоғолизм эса нафақат соғлиқка, шунингдек оила фаровонлигига, обод турмуш тарзини қарор топтиришига салбий таъсир кўрсатади, оилавий муносабатларнинг бузилишига, девиант ҳодисаларга олиб келади.

- Тўртинчидан, соғлом ва обод турмуш тарзини шакллантириш давлатимизнинг стратегик вазифалари қаторига киради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда 1997 йил - Инсон манфаатлари йили, 1998 йил - Оила йили, 2000 йил - Соғлом авлод йили, 2005-йил - Сихат саломатлик йили, 2007 йил - Ижтимоий ҳимоя йили деб ёъон қилинган. Уларда белгиланган вазифалар, барча аҳоли қатори кон саноати ходимларига ҳам тааллуқлидир. Бирок, бу борада қандай ишлар амалга оширилгани ҳамда, қандай ижтимоий - амалий, илмий, маънавий-маърифий муаммолар мавжудлиги аниқланмаган. Ваҳоланки, мазкур муаммоларни билмай, ўрганмай кон саноати ходимларида соғлом ва обод турмуш тарзини шакллантириш қийин масаладир. Юқоридаги вазифалар кон саноати ходимларини ҳам қамраб олиши шарт.

- Бешинчидан, шу пайтгача кон саноати билан боғлиқ илмий-техник ва геологик-қидирув ишлари геология-минералогия техника нуктаи назари-

дан ўрганилган аммо, инсон омили билан боғлиқ антропологик муаммолар фалсафий тадқиқ этилмаган. Кейинги йилларда экология, тиббиёт, бозор иқтисодиёти, компьютерлаштириш, социопсихология билан боғлиқ муаммолар ҳам аниқландики, ушбу ранг-баранг соҳалардаги ўзгаришларни фалсафий таҳлил этиш, умумлаштириш илмий заруратдир.

Республикамызда соғлом ва обод турмуш тарзини шакллантириш йўналишида ўтказилган тадқиқотлар фалсафа, социология соҳаларида 4 докторлик ва 2 та номзодлик диссертациялари ёқланган, мавзуга оид 300 дан зиёд монографиялар чоп этилган. Уларда Ўзбекистонда соғлом ва обод турмуш тарзини шакллантириш борасида тўпланган тажрибалар, концептуал ғоялар ечимини кутаётган муаммолар ўрганилган.

Кон саноати ходимларида соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг дифференциал хусусиятларини ўрганиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50, 54, 55 ва 100 моддаларидаги табиатга оқилона муносабатда бўлиш, табиий захиралардан умуммиллий манфаатлар нуктаи назаридан фойдаланиш атроф-муҳитни муҳофаза этиш «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» (1992), «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» (1993), «Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш тўғрисида» (1994), «Фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилиш тўғрисида» (1996), «Гидротехник иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида» (1999), «Меҳнат кодекси» (1996) каби мутахассиз, ишчи, ходимлар фаолиятини белгилаб берувчи ҳужжатлардаги вазифалар билан боғлиқ илмий изланишларнинг устувор йўналишига мосдир.

Аҳолининг соғлом ва обод турмуш тарзи масалалари файласуф, социолог, педагог, иқтисодчи, сиёсатшунос, маданиятшунослар томонидан тадқиқ этиб келинади. Бу борада академиклар Э.Юсупов, С.Шермухаммедов, А.Валиев, фалсафа фанлари докторлари профессорлар Х.О.Шайхова, Э.Бобомуродов, Р.Рўзиева, М.Қуროнов, О.Мусурмонова, С.Аъзамходжаева, Б.Зиёмухамедов, И.Саифназаров, С.Отамуродов, У.Қорабоев, М.Қаххорова, фалсафа фанлари номзодлари, доцентлар Ф.Исмоилова, Г.Тиллаева, Ф.Холдибекова, М.Примова каби тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари мисол бўлиши мумкин.

Х.О.Шайхова соғлом турмуш тарзининг ёшларнинг маънавий камолотига, уларнинг билим олиш, ижод қилиш, оила қуриш, ижтимоий муносабатларга киришиш каби фаолият турларига таъсирини фалсафий-этниқ нуктаи назаридан тадқиқ этади. Олиманинг хулосасига кўра, соғлом турмуш тарзи ёшларни баркамол авлод бўлиб етишишига замин яратувчи омилларидан биридир [1].

Шу билан бирга Х.О.Шайхова соғлом турмуш тарзини шакллантиришда қадриятлар, таълим-тарбия, маҳалла, маънавий бойликлар, адабиёт ва санъатнинг ўрни масалаларига ҳам эътибор қаратади [2]. Унинг чиқарган хулосалари биз учун методологик аҳамиятга эга.

М.Қаххорова ижтимоий - маънавий муҳит ва унинг соғлом турмуш тарзига таъсири билан

боғлиқ ижтимоий, тарбиявий, психопедагогик омиллари ўрганади. Олима, соғлом турмуш тарзи шахсий ва ижтимоий интилиш, мақсад, ғоя билан диалектик боғлиқ воқелик, ёшларга дифференциал ёндашишни тақозо этади, деб кўрсатади [3].

Г.Тиллаева эса диққатини соғлом турмуш тарзини ижтимоий фалсафий, социологик, этикавий, акмеологик жиҳатларига қаратади. Унинг фикрича, соғлом турмуш тарзи, барқарор ҳаёт тарзи, инсоннинг бутун ижтимоий борлиғига дахлдор яшаш усулидир [4].

Кон саноати ходимларининг ҳаёт тарзи ва фаолиятини ўрганиш юқоридаги тадқиқотчилар асарларида амалга оширилмади, бироқ улар чиқарган хулосалар илмий – методологик аҳамиятга эга.

Шу пайтгача кон саноати ходимларига хос дифференциал хусусиятлар шу соҳага тааллуқли мутахассисларнинг илмий-педагогик йўналишидаги изланувчиларнинг диққатини тортиб келган. Бу борада академиклар Х.М.Абдуллаев, Г.А.Мавлянов, Т.Н.Долимов, профессорлар Х.Ш.Ишбоев, Х.Чиникулов, А.Х.Жўлиев, Ш.Шорахмедов, А.А.Абдумажидов, Р.А.Ниязов, М.М.Мирасманов, С.Р.Саидов, В.Г.Горьковец, А.В.Пейве, В.Я.Зималина, А.Саочовларнинг монография ва дарслик, ўқув қўлланмаларини етлаш мумкин. Бироқ, улар диққатини геология-минералогия муаммоларини ўрганишга қаратадилар, инсон омили билан боғлиқ мавзуларни тадқиқ этмайдилар. Шунинг айтиш лозимки, Р.А.Ниязов, М.М.Мирасманов, С.Р.Саидов тайёрлаган монографияда экология ва кон ишларида техника хавфсизлигини таъминлаш масалалари ёритилади [5] лекин бу биз ўрганаётган мавзуга тааллуқли эмас. Кон саноати ходимларида соғлом ва обод турмуш тарзини шакллантириш муаммоларини фалсафий тадқиқ этишдан мақсад кон саноати ходимларида соғлом ва обод турмуш тарзини шакллантиришнинг дифференциал хусусиятларини ўрганиш, шу асосида кон саноати ходимларида соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг илмий асосланган, самарали йўллари, усуллари, механизмларини ишлаб чиқариш бўлмоғи лозим. Айниқса биргина Навоий вилоятининг ўзида 7та кон, табиий сув захираларида меҳнат қилаётган ходимлар мавжудлиги бу масаланинг ниҳоятда долзарблигини кўрсатади.

Бу борада кон саноати ходимларининг экологик, тиббий, социомаданий ва касбий муносабатлари, тасаввурлари, қарашларини инобатга олиш зарур.

Юқоридаги фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб қуйидагиларни амалга оширишимиз лозим:

-Соғлом ва обод турмуш тарзи категориясининг илмий-фалсафий моҳияти очиқ бериш, унинг ижтимоий фаолияти билан дифференциал боғлиқлиги асослаш;

- Кон саноати фаолиятининг экстремал хусусияти билан боғлиқ жиҳатларни ўрганиш, уларни классификация қилиб, ижтимоий - фалсафий таҳлил қилиш;

- Кон саноати ходимларида намоён бўладиган аномал ҳолатлар ва девиант хатти-ҳаракатлар аниқланиб, уларнинг меҳнат фаолиятига, турмуш тарзига, оилавий муносабатларга таъсирини ўрганиш;

- Меҳнат хавфсизлигини таъминлашнинг инсон ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш концепцияси билан боғлиқлиги, ушбу боғлиқликнинг турмуш тарзида, ходимлар саломатлигида намоён бўлишини социометрик ва меометрик таҳлил этиш;

- Экстремал ҳолатларнинг кон саноати ходимлари онгига, қарашларига, бошқа кишилар, социум билан алоқаларига таъсирини кузатиш, уларни психометрик усуллар ёрдамида ўлчаб назарий моделлаштириш;

- Назарий моделлар кон саноати ходимларида соғлом ва обод турмуш тарзини шакллантиришнинг самарали, турли вазиятларда қўлланиладиган универсал тавсия, кўрсатма ва механизмларини ишлаб чиқиш имконини беради. Уларни барча ер ости ер усти захираларида ишловчи ходимларга қўллаш мумкин бўлади;

- Соғлом ва обод турмуш тарзини шакллантириш бир томонидан, кон саноати ходимларининг фаолият тури, иккинчи томондан, уларнинг психологияси, ўзаро муносабатлари, одамлари ва оилавий ҳаёти билан боғлиқ экани боис муаммага ҳам дифференциал, ҳам комплекс ёндашиш зарурлигини асослаш;

- Кон саноати ходимлари орасида оммавий сўровнома ўтказилиб, уларнинг соғлом ва обод турмуш тарзига муносабатлари юксалтириш омиллари аниқлаш, шу асосда конлардаги меҳнатни соғлом ва обод турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилувчи омилга айлантириш концепцияси ишлаб чиқиш;

- Кон саноати ходимлари ҳаёт тарзини, турмушидаги ўзгаришларни, соғлигининг оилавий муносабатларга таъсирини ўлчаш методикаси ёритиш, унинг ёрдамида тадқиқот объектининг ижтимоий мавқеи, турмуш даражаси, оилавий муҳитини тадқиқ этиш, уларга мувофиқ тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Зеро, бугунги кунда ҳукуматимиз олиб бораётган кенг қўламли ислохотларнинг диққат марказида инсон омили асосий ўрин эгаллар экан, иқтисодиётимизнинг асосий соҳаларидан бири бўлган кон саноати ишчи ходимларининг соғлигини асраш, фаровон турмуш тарзини ва оилавий муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган илмий тавсиялар, услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиш, махсус психофизиологик дарслар ўтиш, меҳнат шароитини яхшилаш чора-тадбирларини кўриш ўта муҳим вазифалардан биридир.

Адабиётлар

1. Шайхова Х.О. Соғлом турмуш тарзи ва ёшлар камолоти. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2008, 76-б.
2. Шайхова Х.О. Маънавият – камолот кузгуси (Сайланма). –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти,

2009, Шайхова Х. Баркамол авлод – ахлоқий кадрятлар куршовида. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010.

3. Қаххорова М. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг илмий – услубий асослари. – Тошкент: 2007, 39- б.

4. Тиллаева Г.Х. Ижтимоий муҳит ва ёшлар тарбияси. -Тошкент: 2009, 38- б.

5. Ниязов Р.А., Мирасланов М.М., Пушкарёнок В.П., Саидов С.Р. Экзогенные процессы в обоснование защиты горных территорий Узбекистана. -Ташкент: «Фан», 1986, -С.78 – 112.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ватанимиз иктисодий тараққиётида салмоқли ўрин тутган кон саноати соҳасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тарғиб қилиш, бу борадаги муаммоларни ўрганиш масаласи ўз аксини топган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы формирования и пропаганды здорового образа жизни в сфере горной промышленности, занимающей значительное место в экономическом развитии страны.

SUMMARY

The article deals with the issues of forming and propagandizing healthy way of life in mining industry field which gets an importance place in the economic development of our country.

АДАБИЁТ ЎҚИТИШНИНГ УЗВИЙЛИК ВА УЗЛУКСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – ЎҚУВЧИ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛИ

*Г.Ш.Файзуллаева - катта илмий ходим-изланувчи
Самарқанд давлат университети*

Таянч сўзлар: адабий таълим, таянч компетенциялар, умумпредмет, узвийлик ва узлуксизлик тамойили, иктидор, узлуксиз таълим.

Ключевые слова: литературное образование, поэтапное, постоянность, общий предмет, одарённый, тенденция, непрерывное образование.

Key words: stage literary education, basis competences, current subject, non-stop continuous tendencies, gifted, continuous education.

Истиқболимизнинг бош тамойили вазифаларидан энг муҳими сифатида мустақиллигимизни мустаҳкамлашдаги асосий омиллардан бири – комил инсонни тарбиялаш вазифаси қўйилган. Бу каби масъулиятли вазифани тарбия воситаси ҳисобланган адабиёт орқали амалга ошириш муҳимдир.

Адабиёт – мафкура, ғоя, дунёқарашларни ёйиш ва ўзгаларга сингдиришнинг оммабоп шакли. Шундай экан, бадиий адабиётнинг таъсир доирасини янада кенгайтириш, ўсиб келаётган ёш авлодга теранроқ сингдириш ва ижобий натижага эришиш фанни ўқитишнинг асосий мақсади ҳисобланади. Бу мақсадни юзага чиқариш, бугунги кундаги таълим талаблари доирасида барча фан соҳалари каби адабиёт ўқитиш методикасида ҳам янгича ёндашувларни амалиётда қўллаш, машғулотларнинг сифат ва самарадорлигини янада ошириб бориш, фанни ўқитиш борасидаги ижодий изланувчанликни изчилликда такомиллаштириб бориш зарурлигини кўрсатади. Адабиёт ўқитувчисидан ижодкорликни талаб қилувчи ўқитиш тамойилларидан бири адабий таълимга компетенциявий ёндашувдир.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим – ўқувчиларда эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълимдир.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим ўқувчиларда мустақиллик, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, ташаббускорлик, медиаресурслар ва ахборот коммуникация технологияларидан ўз фао-

лиятида оқилона фойдалана олиш, онгли равишда касб-хунар танлаш, соғлом рақобат кўникмаларини шакллантиради, таълим беришда узвийлик ҳамда узлуксизлик тамойилига амал қилишни таъминлайди. Адабиёт фани инсон ҳаётида зарур бўлган таянч, умумпредмет, предмет ва хусусий компетенцияларни ривожлантиришда муҳим омил саналади.

Инсоннинг кўпинча тегишли фаолият соҳаларида эришадиган ижобий натижаларининг асосий омили – бу унинг етарлича билим ва тасаввури мавжудлигида эканлиги кўпгина илмий тадқиқот ишларида исботланган.

Ҳозирда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида адабиёт фани соҳасида горизонтал ҳамда вертикал узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш бўйича адабиёт ўқитишнинг фундаментал методикасини яратиш жараёни ниҳоясига етмаган бўлса-да, тажрибали педагоглар ва шу соҳада илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган олимларнинг тавсияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Лекин, кузатишлар шуни кўрсатадики, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг айрим ўқувчиларида бадиий адабиётга оид билимлар етарли даражада эмас. Бунга бир қанча омиллар сабаб бўлмоқда. Улардан энг асосийси таълим мазмунини очиб беришга қаратилган замонавий таълим методларини татбиқлаш ва ўқувчиларнинг билимларини амалиётга қўллай олиш маҳоратини ривожлантириш муаммосидир. Ҳозирги кунда маълумотлар ва билимлар захираси кескин ўсиши натижасида илм ва уни амалиётда қўллай олиш маҳоратини тўғри тақсимлаш зарур.